

**РАССОМ БАХОДИР ЖАЛОЛОВ ХАЁТИ ВА ИЖОДИ****Мирзходжаев Баходир Анвар ўғли**

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада Рассом Баходир Жалолов ва унинг хаёти ва ижоди фаолияти Мукофотлари хақида қисқача баён қилинган

**Калит сўзлар:** Баходир Жалолов хаёти ва ижоди машхур асарлари

Баходир Жалололов 1948 – йил 27 – майда Тошкент шаҳрида таваллуд топган

Рассоснинг болалиги Фарғона водийсида ўтган Отаси Марғилонлик булган ва ўғлига ёшлигидан расм чизишни ўргатган

Баходир Фазлиддинович 1968 – йилда Р Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртини тамомлаган Унинг устозлари Абдулҳак Абдуллаев Чингиз Ахмаров Николай Шин ва Рўзи Чориевлар Баходир Жалолов ижодига катта тасир кўрсатган

Ўша йил Баходир Жалолов Иля Репин номидаги Санкт – Петербург рассомчилик академиясига ўқишга кирган

Талабалик йилларида у бўлажак рафикаси Галина билан учрашган Улар битта Институтнинг турли факултетларда тахсил олганлар

Баходир Жалолов 1973 – йилда SSSR га таклиф қилинган уста Марк Чагали ва талабалар ўртасидаги учрашувда қатнашган ва бу учрашув ёш ижодкорда катта таассурот қолдирган 1974 – йилда институтни муваффақиятли тамомлаган

**ФАОЛИЯТИ**

Баходир Жалоловнинг дастлабки ижодларидан бири Тошкентдаги “Зарафшон” ресторани интерери учун чизган “Наврўз” картинасидир Бу картина унинг иши бўлган

1974 – 1980 – йилларда Тошкент театр ва рассомлик санати институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган 1997 – йилдан Миллий рассомлик ва дизайн институтида махобатли рангасвир устахонаси рахбари ва профессори булган (2000) Ўзбекистон рассомлари уйушмаси бошқаруви раиси бўлган (1987 – 1992) Баходир Жалолов ижодини портретлар яратиш билан бошлаган Портретларида кишиларнинг касби хақида тасаввур берувчи холатлар акс эттирилган бўлиб ижодий меҳнат жараёни чуқур психологик холати билан кўрсатилган (“Мемор” 1972; Машарабоз Ақром Юсупов 1974; Афтопортрет 1975 Кулол аёл Халқ устаси Хамро Рахимова 1975 Сония ва Мангулик Ўрол

Тансиқбоев хотирасига 1977 Порлоқ эрта Рассом Ш Абдурашидов хотираси 1980 Тиклаш халқ устаси Мухиддин Рахимов 1980) 70-йилларнинг охири 80 - йилларнинг бошларидан махобатли рассомлик соҳасида самарали ижод қилган Қарши мусиқали драма театри биносига Чимён санаторийси ошхонаси фойесига (1981) Тошкентдаги киночилар уйига (1982) ишлаган деворий расмлари бетиним изланаётган ва ўзига хос услуб яратган рассом сифатида танитди Баходир Фазлиддинович баҳор концерт зали фойесига ишланган Рақсинг туғилиши 1982 Қашқадарё вилояти Таллимаржон насос станцияси клуби деворига (1983) Қўқон театри фойеларига (1987) Тожикистоннинг Хўжант шаҳридаги мактаб биносига (1988) Белгиянинг Кортрейк 200 (1990) Тошкентдаги Туркистон саройига Умар Хаййом тушлари 1993) ва бошқа ишланган деворий расмлар манзаралар (Исфарада баҳор Тоғ қишлоғи Сўқмоқ Эски Гурзуф кўчаси ва б) китобларга яратилган иллюстратсиялар (Наввой Т Тула У Носир ва б асарлари дастгоҳ картиналари (Авғанистон - 83 Авғанистон тонги ва б) муаллифидир

### МУКОФОТЛАРИ

Баходир Жалолов Комил Ярмагов портрети учун SSSR Бадий академиясининг кумуш медалига 1974 – йил SSSR Рассомлар уюшмасига 1984 – йил Толлимаржон насос станцияси клубида Хосил ва Тошкентдаги Баҳор концерт залида Рақсинг туғилиши монументал картиналари учун Адабиёт санат ва меморчилик соҳасидаги SSSR давлат мукофотига 1991 – йил Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлган

Рассом 1997 – йилда Ўзбекистон Бадий академияси азоси 1998 – йилда Қирғизистон Миллий Бадий академияси азоси ҳамда Россия Бадий академиясининг азоси бўлган

2017 – йил И А Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг портретини яратиш бўйича ўтказилган ижодий танлов ғолиби бўлган

2018 – йилда меҳнат шухрати ордени билан тақдирланган

### Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ушбу мақолада Ўзбекистон миллий энциклопедияси (2000 – 2005) йил